

---

## Мактабларда биринчи қўнғироқ садолари жаранг сочди!

Бугун, Данғара туманидаги умумтаълим мактабларида “Билимлар куни” тадбирлари “Бир бўлсак-Ягона халқмиз, бирлашсак-ватанмиз” шиори остида ташкил этилди.

Бу йил мактабларнинг 1-синфига туманда 3165 нафар ўқувчилар қабул қилиниб, уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари топширилди.

Туман ҳоқими Уймурут МФЙда жойлашган 34-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган “Билимлар куни” тадбирида иштирок этиб, барчани мустақиллигимизнинг 33- йиллиги ҳамда бошланаётган янги ўқув йили билан табриклади.

Барчанинг қалбига бир олам хис-ҳаяжон солиб, биринчи қўнғироқ садолари жаранг сочди.

Ўқувчилар мустақиллигимизнинг 33- йиллиги муносабати билан “Бир бўлсак-Ягона халқмиз, бирлашсак-ватанмиз” шиори остидаги Мустақиллик дарси билан янги ўқув йилини бошладилар.

---

2024-09-04 17:42:36